

СУРАТДА: Скопье ҳафталигидан бир лавҳа.



Халқ ҳикматлари

Ичкиликнинг зарари ҳақида

- Саломатликка деб қанча кўп ичсанг, соғлигинг шу қанча кўп йўқотасан.
- Қадаҳдаги ичкилик жила қилса ҳам, соғлигинг унутма.
- Ичкилик соғлиқ гулини сўлдириб, умрин ҳазон қилади.
- Бадмастга фалокат эргашиб юради.
- Ичган одамдан маслаҳат сўрама.
- Бир кунлик кайф — ўн кунлик бош оғриғи.
- Сувга чўкиб ўлганлардан араққа фарқ бўлганлар кўп.
- Ичкилик — ақл ўғириси.
- Мастликда алжирган — уйқусида йиғайди.
- Ақл — тоғни, арақ одамни қулатади.
- Ичкиликдан бошланган хушудлик дилсизлик билан тугайди.
- Арақ арақхўрни жазолайди.
- Мастлик — тиббилик белгиси.
- Ақлни ичкиликка қўшиб ичган нодон бўлади.
- Бадмастнинг ранги совуқ, рангидан сўзи совуқ.
- Филология фанлари кандидати Сиддиқ АСҚАРОВ тўплаган.

Сўраган эдингиз...

Овозни асраш мумкинми?

Хурматли редакция! Мен ишдан бўш вақтларимда хорда қатнашиб, ашула айтишни ёқтираман. Бироқ репетициядан кейин овозим яхши чиқмайди. Овозим қандай асраш мумкин?

Н. ҚОДИРОВА, ишчи.

Овозни асрашни билиш лозим, бу унчалик қийин эмас. Айниқса қўшиқчилар, актёрлар, мактаб муаллимлари ва олий ўқув юрти ўқитувчилари, лекторлар, дикторлар, адвокатлар, экскурсоводлар, телефонисткалар овозини эҳтиёт қилишни билишлари керак.

Ўшуш аппаратини касалликнинг олдин олиш одамнинг ҳаёт тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Қўнда овозни асрашнинг оддий қоидаларини келтираемиз.

Тоза ҳавода, қуёшда, сувда мунтазам равишда чиниқиб, жисмоний машқлар билан шугулланиш, меҳнат ва дам олиш тартибига риоя қилиш, ҳамма нарсани меъёрида олиб бориш жисмоний ва руҳий куч-қувватни бир маромда тутиб туради, ана шуларнинг ҳаммаси одатга айланиши керак.

Товушнинг зўриқишига йўл қўйманг. Бу кўп гапирмай, соқов бўлиб юринг деган сўз эмас. Шунчаки, гаплашганда ўзингизни кузатишга ҳаракат қилинг.

Кун совуқ пайтида ашула айтгандан сўнг, дарс бергандан кейин ёки лекция ўқиб бўлган заҳоти дарров кўчага чиқманг, бир оз дам олиб, товуш аппарати сал «свонити».

Товуш аппарати ҳам марказий нерв системаси

бошқаради, шу туфайли ҳар қандай ташвиш, ҳалжон, ҳатто баланд овозда гапирган гап овозга тез таъсир қилиши мумкин. Бундай аҳвол кўпича одам қаттиқ кўрққанда, оиладаги можаролар пайтида юз беради.

Овқатланиш тартиби ҳам овознинг жарангдорлигига таъсир этади. Одам жуда тўйиб овқатланса, тўйиб кетган меъда диафрагмани босяди ва нормал нафас олишга ҳалақит қилади. Шунинг учун дарс беришдан, лекция ўқишдан, саҳнага чиқишдан камида 2—3 соат олдин овқатланг. Хантал, сирка, гармидорию иложи борица кам истеъмол қилинг. Спиртли ичимликлар жуда зарарли. Спиртли ичимликларни сунистеъмол қилгандан одамларнинг томоғи қизариб, қурийдик, қон димланши ҳолатлари юз беради. Буларнинг ҳаммаси товушга ёмон таъсир қилади.

Чекишнинг зарари ҳам кўп. Тамаки тутунда никотин, синил кислота, углевод оксид ва бошқа зарарли моддалар борки, улар оғиз бўлини, ҳалқум, ютқин, трахея ва бронхлар шиллиқ пардасини мунтазам таъсирлайди, натижада юқори нафас йўлларида сурункали касалликлар келиб чиқади.

М. ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

Келинг, бир кулишайлик

Хандалар

ҲАММАСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН

Бир спортчи сўзларди:

— Мен ўлимга босиб ўрғата бошладим. У катта бўлганда ўзини яхши ҳисоб қилади.

— Агар у ўздан кучлироқ одамни учратса-чи!

— Мен бунин ҳам ҳисобга олиб қўйганим: ўлимга тез югуриш, тўсиклардан ҳатлаб ўтишни ўргатайм.

ЗОНТИК ВОҚЕАСИ

Ҳаво бўлутли, ёмғир тинмай ёғарди. Бир йўловчи меҳмонхонадан кетяпти. У кечикканидан жуда шошилди. Бир минут ҳам вақтини кетказмаслиги керак эди. Пастга тушган, хизматчида илтимос қилди:

— Илтимос, бориб келсангиз, зонтигим хонамда қолди деб шеклими.

Уч минут вақт ўтди, хизматчи югуриб келиб жавоб берди:

— Ҳа, зонтигингиз ҳақиқатан ҳам ўша ерда, шафк ёнида қолган экан... Бориб олишингиз мумкин.

САЁХАТНИНГ БАҲОСИ

Бир киши вагонга билетсиз чиқди. Контролёр чиқиб, ундан билет баҳосини тўлашни талаб қилди. Йўловчи пўл тўлашни мутлақо истамди. Шунда контролёр келиб унинг чамадонини деразадан улоқтирди.

— Нима қилдингиз! — қичқирди йўловчи, — бу ён етмаганидек, меннинг ўлимни ҳам улоқтирддингиз!

Французчадан Ж. ШОНАЗАРОВА таржимаси.



«Дўстлик» кафеда дўстона суҳбат.



«Уйимизнинг гуллари чиройли».

Т. Каримов фототўюларди.

Шифобахш ноз-неъматлар

Анорнинг хосияти

Ноз-неъмат сифатида тановул қилинадиган анорнинг ўзига хос шифобахш хусусиятлари бор. Жумладан, медицинада анорнинг пўстлоғи, мевасининг пўсти ишлатилади. Анорнинг пўя пўстлоғи тарбияда пельтерин деган модда мавжуд. Бундан ташқари, мевасининг пўсти тарбияда ошловчи, истеъмол қилинадиган қисмида эса лимон кислотаси, С витамини ва бошқа моддалар бор.

Анор ҳақида Абу Али ибн Сино ўз асаридида шундай ёзган эди: «...анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва қулоқ оғриғига фойда келтиради... Нордон-чучук анор мевасининг яллиғланшига фойда қилади. Пешоб ҳайдовчидир. Шу билан бирга,

у иситмаларни даволашда яхши фойда беради. Аммо ширини ўтири иситма билан оғриган кишиларга зарар қилади».

Анорнинг пўстлоғидан тайёрланган препаратлар лентасимон гижжаларини ҳайдаш учун эрталаб кофега қўшиб истеъмол қилинади. Халқ табибатида унинг пўстлоғи, меваси, мева пўсти ва гули йўтал, ич кетиш, сариқ касалликларни даволашда ҳам ишлатилади. Қон тўхта-тувчи (қон тупурганда, милдан қон оққанда), оғриқ қолдирувчи омил сифатида яхши наф беради.

Мевасининг шираси эса иштаҳа очиш учун ҳам ич-лади. Унинг пўстидан қайнатма тайёрлаш учун бир

стакан сувга майдаланган мева пўстидан солиб қайнатади. Сўнг 2 соат чамаси тиндириб қўйиб, до-када сузиб олинади. Тайёр бўлган қайнатмадан юқорида айтиб ўтилган хасталикларни даволаш учун кунига 3 маҳал, таомдан олдин бир ош қошиқдан ичиш тавсия қилинади.

Ширин анор сувини ичи-ца ичига солиб, қайнаб чиққунча офтоб нурига ту-тиш, сўнг бу сувдан қўзга суртилса, кўз қичишини йў-қотиб нурини яхшилайди. Илмий медицинада ишлати-тиш учун анор пўстидан танин ва мева ширасидан лимон кислотаси олинади.

М. МИРЗАШАРИПОВ, дорихунос.

Ҳайвонот оламида

Мушук ягуари

Қушлар дарахтзори

Гўнгаргалар ёнғоқ билан оққандилини хуш қўради-лар. Лекин уларнинг пўчо-ғи қаттиқлигидан ёнғоқ ча-қадиган қисқич билан қақиш қийин, бу ерда эса тумшук қийин. Бироқ гўнгаргалар йўлини топдилар. Қаснодар қийиндаги мойил ўсимлик-лар институти боғидан ёнғоқ ташиб кета бошладилар. Агар ёнғоқни қақиш дарҳол иложи бўлмаса, уларни ерга қўмадилар. Ёнғоқлар у ерда ёрилиб новдалар чиқарди-лар. Қушларга ёнғоқни қав-лаб олишгина кифоя, еминг тайёр бўлади. Бироқ қўлаб ёнғоқлар тупроқ остида қо-либ кетмоқда. Улардан гўн-

гаргаларнинг сеvimли мас-кани бўлган «ёқинзорда» дарахтзор ҳосил бўлди.

Онасини қўмсиди

Американинг Оклахома штатидида ориктология стан-циясида камёб ҳодиса рўй берди. Инкўаторда туҳум-дан оқ сочили денгиз бургути ёриб чиқди. Паррандашунос-лик станцияси табиятда жу-да кам қолган бу қушларни қандай бўлмасин қўпайти-ришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, бургутга бир сутка ҳаёт кеириб, унга ишта-ха билан истеъмол қилина-диган чувалчанглар берил-сади. Бу ҳолда станция хо-димлари алдашга ўтидилар. Улар бургутга онасининг ва-зифасини ўтовчи оқ бургут бошли макетини тайёрлади-лар. Унинг оғзидан қўшча овқатни бажонидил ола бош-лади. Алдов қўл келди.

Ўтмишдан садо

Истасанг—чида!

Шимолий Тянь-Шань тоғи этигидида Исиккўлгўрда куза-тиш ишлари олиб бораётган археологлар эрамиздан аввал-ғи V—IV асрларга оид маш-хур жангчи қабрини топиб олдилар. Аскарнинг эгнм-бо-ши: узунбош кийим, чопон, тасма, шалвар ва этик киши диққатини ўзига тортди турар эди. Жангчи кийимда олтин ва унинг қотишмаларидан иборат тўрт мингдан ортиқ безаклар бўлиб, бу безаклар-нинг умумий оғирлиги тўрт килограммдан ортиқ эди.

Турган гапик, узоқ «сакла-

ниш» кийимда ўз изини қол-дирган эди. Аммо олматалик реставраторлар бу ажойиб либосин аслига қайтаришди, шундан сўнг бу либос Қозо-ғистон Фанлар академияси-нинг Археологик музейи экс-понатлари қаторидан юл олды.

Қизик хислат: олимларнинг аниқлашларича, жангчи тирик-лигидида ҳам шундай ҳашамдор кийимда юрган экан. Афтидан унга шушчалик оғир кийимда юриш осон бўлмаганди, ахир бекорга айтишмайди-да, чи-ройли бўлишни истасанг — чи-да!

Каттароқ

— Куччангиз келинг ака Алишайлик — дер Ўроқ. Нега уқай дейсан ука? — Ҳм... Сизинки каттароқ.

Битта-битта

Бундай ема дейсанми, Ҳўп, тегмадим майннга.

Бўлмаса битта-битта,

Солит туринг оғзингга.

Соябон

Емгир, селдан қўрмайман, Писанд эмас дўл ва қор.

Нимага деб сўрасанг, Меида-чи соябон бор.

Ҳабиб РАҲМАТ.

ШИКОЯТ ДАФТАРИ

Ҳажвия

Қайси бир шаҳарда «Тап-туп» деб номланган янги пойафзал магазини очилди. Ичкарида кўзга қўринарли жойда бир жуфт кресло қур-шовида кичкина стол, унда эса «Қонтирилмаган ҳў-тиёқлар журинали» деб ёзил-ган дафтар қўйилди. Бундан мақсад — харидорлар даф-тарга ўз истак ва таклифла-ри, мулохазаларини ёзиш-лари кўзда тутилган эди. Ва харидорлар... ёзишди:

Дўконингизга кирдим, би-роқ ҳеч нарса харид қил-мадим. Шунга қарамай бу-нақа магазиннинг кераклиги-ни айтиб ўтмоқчиман. Ила-ри ҳеч нарса олмаслиг учун бутун шаҳарни айланиб чи-қиш керак эди. Энди бўлса бу ерга киришнинг ўзи ки-фоя. Катта раҳмат!

Бухвостова, уч боланинг онаси.

Магазинингизни кўриб-чиқдим. Эҳ-ҳел... Эшиклар, пештахталар, ойналар ор-алнидаги деворлар табиий чарм билан қопланган. Ях-ши! Сотувдаги пойафзаллар не-га сунъий чармдан тайёр-ланганини энди тушундим...

Никифоров, экономист.

«Тап-туп» магазини катта товаршунос.

Менинг ҳеч қандай иста-гим, таклиф ва мулоҳазам йўқ. Магазинингизга шу-чакки нафас ростлаш учун ки-рим. Алvido!

Шибанов, аспирант-шоир

Шу ерга келганда даф-тардаги ёзувлар тугайди. Магазинни тикув фабрика-си иштироғида беришди.

У ҳозир «Элегия» деб но-мланади.

«Юность» журналидан.

Лотор КУШЕ, ГДР.

размерли пойафзал тополма-дим. Ҳечқиси йўқ. Валерина Шмигирова ва магазиннинг бутун сотувчи аёлларини ўзимизга балиқ овига таклиф қиламан.

Гусейнов, «Главпочтамт», Довостре-бовани.

Исталган районда, иста-ган аудияда, исталган шарт-шароитда ижарага ҳона ол-моқчимиз.

Оля-Коля. Келин-куёв-лар.

Бошқа ишта ўтишим му-носабати билан худлик би-лан чагироттиқ, курси, вен-тилятор, теннис куракчаси, электропеч, электр устара, кучук, тошбақа, аквариум ва дазмолни сотаман.

Сидоров, кассир.

8—10-синфин битирган ўс-мирлар, қизларни очқ эшик-лар кунига таклиф қилаемиз. Буфет ишлайди. Кечкурун ўйин бўлади.

Стерликов, техникум мето-дисти.

Олапар кучугим йўқолди. Тумшуги — қора. Топган одам қайтариб берса эвази-га истаган пойафзални бепул олиши мумкин.

Синюхина, «Тап-туп» магазини катта товаршунос.

Менинг ҳеч қандай иста-гим, таклиф ва мулоҳазам йўқ. Магазинингизга шу-чакки нафас ростлаш учун ки-рим. Алvido!

Шибанов, аспирант-шоир

Шу ерга келганда даф-тардаги ёзувлар тугайди. Магазинни тикув фабрика-си иштироғида беришди.

У ҳозир «Элегия» деб но-мланади.

«Юность» журналидан.

Лотор КУШЕ, ГДР.

ТУРСОЯ ОЛАМ

«БУ СИЗГА КИНО ЭМАС...»

«007-агент» Жеймс Бонд «душман» тўдаларини ҳеч қийинчиликсиз тор-мор этиб, Ғарб кино экранлари бўйлаб ўз голибона юришини да-вом эттирмоқда. Фақат ҳаёт-да бу бирмунча мураккаброқ экан. Бир неча йиллар мо-байнида энг мохир агент ро-лини ижро этаётган Рожер Мурини франциялик жиноят-чилар тунаб кетишди. Бан-дитлар ўзларининг кинодаги ҳамкасбларидан фарқи ра-вишда макорона режалар тузиб ўтиришгани йўқ. Улар кўҳна усулдан фойдаланиш-ди: тунда дераза ойнасини сиңдириб, актёр истиқомат қилаётган Франциянинг мо-вий соҳилидаги вилайга ки-ришди ва қиймати 200 минг франкка тенг қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетиш-ди. Жиноят содир бўлган ер-да ҳеч қандай из қолмабди. Жеймс Бонд ролини ижро этувчигина эмас, маҳаллий полиция ҳам ҳайратда. Шу муносабат билан Франс Пресс агентлиги заҳарханда-лик билан «Бу сизга кино эмас» деб ўз фикрини бил-дирди.



ЎЗГАНИНГ ЮРАГИ БИЛАН

Яқинда Буэнос-Айресда юзаси қараганда ҳеч қандай ажабланарли ери бўлмаган воқеа содир бўлди: Марсела Северини исми аёл қиз кўр-ди. Ёш онанинг қўшалоқ қў-вончини тушуна бўлади. Чунки икки йил муқаддам унинг ўзи ҳаётга қайта кел-ган эди. 1984 йил ноябрь ойида бир гуруҳ аргентина-лик врачлар хирург Рене Фавалоро раҳбарлигида Мар-селага ўзганинг юрагини кў-чириб ўтказган эдилар. Ма-ҳаллий матбуотнинг ёзиши-га қараганда она-бола ўла-рини яхши ҳис этишяпти.



ВИТАМИНЛИ ДАРАХТ

Австралияда таркибида С витаминини қўлиги жиҳа-тидан мутлақ рекордчи но-мита даявогарлик қилувчи дарахт топилди. Унинг қў-сарғи меваларида С витами-ни натижаат мевасиникидан икки баравар, апельсиники-дан 50 баравар кўп экан.

ЭНГ БАЛАНД



Польшадаги «Новчалар клуби» ўзининг сўнгги маж-лисида бўйи 198 сантиметр бўлган познаник Мария Милановская ва шединик бўйи 214 сантиметр Киши-тов Фрица «Польшада энг новча» деган унвонини бер-ди. Шу нарса диққатга са-зоворки, 3 минг аъзоси бўл-ган ана шу одатдан ташка-ри клуб 12 йиллик фаоли-ти мобайнида баланд бўйли-ларнинг 60 тўйини ўтказди.

МУШУҚЛАР ТИРНОҒИ ТАГИДА НИМА БОР?

Мушук тириган ер узоқ вақт битмаслигини, қаттиқ оғришини ана шу ҳайвонни боқувчилар яхши билишди. Бунинг сабабини узоқ вақт текшириш натижасида шу нарса аниқландики, мушук-ларнинг тирноғи тагида улар-нинг ўзига ҳеч қандай зарар етказмайдиган бактериялар мавжуд экан. Маълум бўли-шча, худди шундай бакте-риялар йўлбарс ва арслон-ларнинг тирноқлари тагида ҳам бор экан.

Немис тилидан Яўлдош ПИРДЭВ таржимаси.

ТОМОШАБИНГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ

ДИЕГО МАРАДОНАНИНГ «ТРУД» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИГА БЕРГАН ЖАВОБИ



«Рақс жозибаси» Т. Кармиев фототюди.

Пахтакорлар меҳмонимиз

Тошкент шаҳар сaxeт ва аксусиялар бюроси пойтахт области пахтакорлари учун махсус сaxeтлар ташкил қилди.

Далалардаги йил бўйи қилинган меҳнатдан кейин холи бўлган меҳнатчилар бюро йўлланмаси билан Тошкент шаҳри меҳмони бўлмоқдалар. Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номи қол-хонинг 210 механизатори

ва термисчи тушган автобуслар колоннаси пойтахтнинг бутун йўлини ҳаёт билан таништи. Меҳмонлар барча диққатга сазовор жойларни бориб кўрдилар, музейларда бўдилар, кеч-курон эса Тошкент Давлат циркида томоша кўрадилар.

Сaxeт ва аксусиялар бюроси бутун қиш фаслида пахтакорларга ана шундай хизматлар кўрсатади.

Унинг фотосурати ресторани, бар, автобусларнинг энг кўзга кўринарли жойларига қўйилган. Кулимсираган юз, келин жингалар соч, маъносроқ кўзлар. «Бизнинг бут», «халоскоримиз», «авлиё» дейишарди уни «Наполи» футбол командаси маъшқ уқазётган стадион ланжарасига ёпишиб олган шиддаткор неаполликлар. Ҳамма Диего Марадонани кутар эди. У анча вақт кўринмади, шу сабабли дарҳол «Марадонанинг тоби қонибди» деган шов-шув тарқалди. Лекин тўп-ланганлар бошқаларга ўхшаб ўзлари сажда қилгандан бутини тоби қонди, ёки, шунчаки чарчаши мумкинлигига ишонмасдилар.

— Бу, томошабинлар ҳақида нима дейишга ҳам ҳайронман, — деди Неаполь командасида учинчи йил ўйнаётган, аргентиналик ҳужумчи Диего Марадона. — Мени илоҳийлаштирилларига ўзим эрк бермайман, — давом этди у бир-мунча хижолат чекиб. — Мен оддий одамман, саккиз болали оилада ўсганман. Агар чаг-тупроқ кўчада бошқалардан эртароқ тўп тала бошлаганимни айтмасам... Отам сўкар эди. У ҳамма болалари яхши маълумот олиб, одам қаторида қиришларини истар эди. Мен эса кўчага афзал кўрдим. Кўча дастлабки футбол майдоним эди. Базан одамларнинг «Марадона оғида тўп билан тугилган» деган гапини эшитиб қоларман. Бу ҳам, албатта, бўртириш. Ҳақиқатан ҳам тўпга болалигимдан меҳр қўйганман. Аммо кейинчалик меҳнат, машқлар даври бошланди, бу давр мобайнида тўп, футбол ҳиссиёти тугилди. Бу ҳиссиёти тушунтиришга оқиман. Фақат шунинг биланман, майдонда ҳаракат қиларканман, ўз ўйиним билан томошабинларга қувонч бағишларман, шу билан бахтиёрман.

— Диего Марадонани профессионал сифатида ким қабул қилган? Спортдаги карьераси қандай бошланган?

— 14 ёшгача ўшлар командасида ўйнадим. Ун беш ёшдан катталар командаси «Архентина хунонорда». Ушандан бошлаб ҳозиргача профессионал футболдаман. Мураббийларим кўп бўлган. Мен тренер ва ўйинчиларни назарда тутдиман.

— Илк бор халқро ўйинда майдонга тушганингизда ўзингиз қандай ҳис этдингиз?

— Ростини айтсам — қўрқдим. Тўғри, фақат дастлабки дақиқаларда. Тўп оғимга теккан, ўйинг аниқлигини ҳис қилиб, ўзимга келдим. Ишонч пайдо бўлди. Бу Аргентина ва Венгрия терма командалари ўйинида бўлган эди. Ушанда бор-йўғи 16 ёшга киргандим.

— Мексикадаги жаҳон чемпионатидан кейин шунча ой ўтгач, у ҳақда нима дея оласан, Диего? Чемпионат футболга бирон-бир янгилик киритдими?

— Мен, гўёки бир чемпионат футболни бойнатади, бошқаси камбағаллаштиради, деган фикрга қаршиман. Яхши ёки ёмон ўйинлар бор. Ҳатто мен — Марадона, кесатиб шундай дейман жаҳон чемпионати ҳақида ҳукм чиқаришга ҳақсизман. Мексика ишқибозларга бир неча ҳафтаки спорт спектаклини соғинади. Биринчи навбатда бу Бразилия, Франция, СССР, Аргентина командаларининг хизмати тугайди.

— Чемпионатда ўйинчилардан қайси бирлари сенга кўпроқ ёқди?

— Аргентина терма командасидан Бурручага, француз

Тигана, Бельгияли Шифо, италияни Банни ва Ди Наполи, сизларнинг Белановингиз, бразилиялик Эднн ҳамда Хулио Сезар.

— Совет терма командаси ҳақида ким оғиз сўз. Сенингча улар Мексикада қандай таассурот қолдирди?

— Уйлашимча, совет терма командаси бельгияликлар билан учрашувгача тўғри йўл тутди. Бу учрашувда совет футболчилари психологик ҳаётга йўл қўйдилар, энгил галабга умид қилдилар. Ёки, бошқача айтганда, рақибни менсимадилар. Бельгияликлар ўйин пайтида бун жуда яхши пайқадилар ва ўз тақрибларидан фойдаланиб, ўйинни галабга билан якунледилар. Агар совет терма командаси шундай хато қилмаганди, финландия чиққан командалардан бири бўлар эди. Менинг назаримда у кучли команда эди.

— Диего, Мексика чемпионати тугагач, сен расман жаҳоннинг энг яхши футболчиси сифатида тан олиндинг. Сенинг кучинг нимада?

— Мен дунёнинг энг яхши футболчиси эканимга ишонмайман. Ҳозир, худди илгаригидай, футболни идорк билан бақолайман, ўйинг ақамияти мен учун мўтабар. Худди аввалгидай, майдонда шахсий тушунча бўйича ўйнаб, ишқибозларим жалб қила олишимга ишонаман. Жаҳон чемпионатига қадам ҳам ҳозиргача ёмон ўйнамасдим, аммо энг яхши ўйинчи Платини ҳисобланарди. Энди мени энг яхши ўйинчи деб аташмоқда.

— Тўғри йўлдан кейин Италияда футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлади. Унга етарли вақт бор. Сен қандай ўйлабсан, бундай доирадаги мусобақа олдингиздан яхшироқ бўлиши мумкинми?

— Масалан, Бельгия ва совет терма командаси ўйинида юз берганидай, ўйиндан ташқари қовдан тол ўришларга чек қўйладими?

— Менимча, футболга бунчалик қизиқиш нукта назааридан ёндошмаслик керак. Айтишларига қараганда, АҚШ да хато рўй берган чоғда ўйин тўхтатилиб, видеозапис бўйича муҳокама қилиш учун арбитрлар телеэкран ёнига чақирилар экан. Аммо арбитрлар ҳам, ўйинчилар каби, тирки одамларда. Бирини хато қилиши, бошқаси ўйинга берилиб кетиши мумкин. Чемпионатни ташқилий жоҳаддан яхшилаш бўлади. Мексикада кўпчилик иссиқлик, географик юксалиқдан қийналади. Мен ташқилий ишлар футболчиларнинг ва ишқибозларнинг қизиқиш тўғрисида эълон қилишларига йўл қўймаслигини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак деб ўйламан.

— Ишқибозлар ҳақида, Диего, Стадионлардаги муштлашулардан хабаринг бор...

— Бу энди футболга алоқадор эмас. Бир одамнинг бошқа одам устидан зўравонлиги стадионда бошланмайди. Эҳтимол, футбол одамларнинг ҳаётдан норизолигини кучайтиради. Зўравонлигини миллионлаб кишилар учун ҳаёт кечиритиш тўғрисида қимматлашиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Зўравонлик биз нафас олаётган ҳавога тарқалган. Бунга ким айбдорлигини ҳамма биларликини ҳал этиши керак.

— Бизнинг давримизда сени кўпроқ нима ташвишга солади, Диего?

— Катта ҳокимиятга эга бўлган кўп одамлар тинчлик масаласини ҳал қила олмаётганлиги. Ҳар гал эрталаб уйғониб, ҳаёт тўхтаб қолиши мумкинлигини кўраман.

— Охири савол, Диего. Сен кишиларнинг қайси фазилатини қадрлайсан?

— Самимият ва жиддийлик. Мен яхши го ва оқилона режаларни улуғлашга тайёрман. Аммо, афсуски, зўравонлик, ҳасад, олинга ўтиш учун бошқаларга раҳна солишга тайёргарлик ифодаси юзларида барқ уриб турган одамларни тез-тез учратаман.

— Марадона фарзанд кутган хотини Клауди билан стадиондан чиқиб кетди. Танишларидан бери Клауди эрининг хоҳишига кўра машқ пайтларида, ўйинда у билан бирга, муваффақияти ва ташвишларига шерик, маънавий мадакор.

— Мен учун ягона муқаддас нарса — оила, — дейди аргентиналик футболчи. — Футбол бизнинг бирга бўлишимизга ҳалақат беролмайди.

П. НЕГОЙЦА.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пропаганда ва агитация бўлими, «Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг правленияси шунинг маълум қиладики, 10 декабрь соат 17 да «Билим» уйининг катта залида (Киров кўчаси 24) яқин тартибдаги меҳнат феолияти тўғрисида СССР Қонунини тушунтириш бўйича ахборот конференцияси ўтказилади.

Конференцияда ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг раҳбар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар сўзга чиқишади ва саволларга жавоб беришади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВЕВ.

реклама Э Ў Л О Н Л А Р реклама

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИНИ ИЗЛАЙМИЗ!

Польшада бўлиб ўтган IX халқро фольклор санъати фестивали ва Москвада бўлиб ўтган Бутуниттфок ашула ва рақс халқ ансамбллари конкурсининг Лауреати, Тошкент шаҳар, Октябрь район 3-«БАЁТ» маданият уйи қошидаги

«БАЁТ»

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК ХАЛҚ АНСАМБЛИ

СТУДИЯСИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ансамбль ижодий составини янада кенгайтириш мақсадида

1986-1987 ўқув йили учун кўндалаги ихтисослар бўйича ЯНГИ ЎҚУВЧИ-ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Ўзбек миллий халқ чолгу асбоблари оркестри ва созандалар ансамбли бўлимига: доира, дутор, қашқар рубоби, афрон рубоби, чанг, гижжак, най, кларнет, баян, аккордеон, кастаньета ва бошқа чолгу асбоблари; халқ рақслари бўлимига: бу бўлимда ўзбек классик ва мақом рақслари, замонавий рақслар, шунингдек СССР ва шарқ халқларининг миллий характеридаги, эстрада ва пантомимик рақслар ўргатилади, 15 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади; қўшиқ-вокал ва мақомчилар бўлимига: бу бўлимда якяхон хованд-соллистлар тайёрланади.

Студияда олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг студентлари, ишчи-ёшлар, мактаб ўқувчилари ва бошқалар ўқиш ва ишдан ташқари бўш вақтларида қатнаб ўқишлари мумкин. Ўқиш муддати — 3 йил. Битирувчиларга махсус гувоҳнома билан олий ва ўрта махсус ўқув юртига ўқишга кириш учун йўлланма берилади. Шунингдек, студияни муваффақиятли тугаллаганлар, давлат театрлари ва республика халқ ашула ва рақс ансамблларида ҳам ишга юбориладилар. Репетициялар ҳафтасига 3 маротаба ўтказилади. Ўқишга кириувчилар эса танлаган ихтисослари бўйича имтиҳон сифатида махсус суҳбатдан ўтадилар. Хужжатлар 15 декабрдан қабул қилинади.

Консултация ва кириш имтиҳонлари потокларга бўлинган ҳолда қабул давомида ўтказилади. Дарслар 16 декабрдан бошланади.

Ҳоҳловчилар қўйидаги хужжатларини қабул комиссиясига топширишлари мумкин: студия бадий раҳбари номига ариза, таржиман ҳоли, яшаш ва ўқиш жойидан справка, 10х15 см. ҳажмдаги 8 донга фотосурат, скоросшиватель, характеристика, конверт топширадилар. Паспорт, ҳарбий билет, тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва бошқа хужжатлар кўрсатилади. Қабул комиссияси ҳар кун (дам олиш кунисин) соат 9 дан 18.00 гача ишлайди.

ЭЪЛАТМА: давлат театрлари ва ансамблларида ишлаган ва яхши ижодий характеридага эга бўлган абитуриентлар студияга имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Веруний кўчаси, Марказ 27-квартал (7, 15, 16-трамвайлар, 8, 18-троллейбуслар, 11, 28, 47, 64-автобусларнинг «Гунаҳ» кинотеатри бекати), «Баёт» студияси, 2-қават. Телефон 42-23-70.

СССР Давлат интурист комитетининг ТОШКЕНТ БЎЛИМИ Штатсиз гид-таржимонлар (инглиз, француз, немис, испан тиллари бўйича) тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ТИЎЛЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Чет тили олий ўқув юрларини битирган кишилар ҳамда шу олий ўқув юрларининг 3—5 курс студентлари қабул қилинади.

Хужжатлар 1986 йилнинг 17 декабрдан кўндалаги адресда қабул қилинади: 700079, Тошкент шаҳри, Советская кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими («Ўзбекистон» меҳмонхонасининг орқасида).

КИРОВ РАЙОНИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Киров район уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трест кўндалаги адресга

КЎЧИБ ЎТДИ:

700084, Тошкент шаҳри, Боксерская кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 35-12-63, 35-30-70, 35-30-73.

Авария-диспетчерлик хизмати кўндалаги адресга

КЎЧИБ ЎТДИ:

700084, Тошкент шаҳри, Қорақалпоқ кўчаси, 5-уй. Телефон 34-25-72.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КҮНЛАРИДА

ҚОРБОВО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЦИРКДА АРЧА»

КАТТА ЭРТАК ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

Томошалар 24, 25, 26 декабрда соат 12, 14.45, 19.30 да; 27, 28, 29, 30 декабрда соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да; 31 декабрда соат 10, 12.30, 14.45, 17.00 да; 1—11 январь кунлари соат 10.30, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди. Коллектив ташкилотлар қабул қилинмоқда. Қишлоқ жойларидан келган томошабинларга навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Касса ҳар кун соат 10 дан 20.00 гача ишлайди. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-01, 44-35-84.

МАРКАЗИЙ ЮБИЛЕЙ СПОРТ ЗАЛИДА

29 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КҮНЛАРИДА

ҚОРБОВО, ҚОРҚИЗ ВА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА

«Сехрли орол сирлари»

АФСОНАВИЙ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

САҲНАЛАШТИРУВЧИЛАР — УКРАИНА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ.

Томошалар: 29, 31 декабрда 13.00 да; 30 декабрда 11, 13, 15.00 да; 1 январьда 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 январьда 11, 13, 15.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт саройи кассаларида сотилади.

Кассалар ҳар кун соат 14 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив бўлиб кўриш учун заявқалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 — касса; 46-68-77, 46-07-53 — администратор.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

1986 йилнинг 8 декабрдан бошлаб ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРАРИДА ИЖИЛКБОЗЛИККА ҚАРШИ МАВЗУДАГИ ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

«Чайка» кинотеатрида

8—10 декабрда — Урга йўл йўл.

11—14 декабрда — Айбдорлар жавобгарликка тортилин;

«Нукус» кинотеатрида

8—10 декабрда — Ичкиликбозлик — уят.

11—14 декабрда — Жабрини фарзандлар тортади.

Лисувов номи кинотеатрида

8—10 декабрда — Найф остида.

11—14 декабрда — Рулдан маст.

«Қозғистон» кинотеатрида

8—10 декабрда — Ички кишига 30 сутка.

11—14 декабрда — Меҳмондорчилик оқибати

15 декабрда — Онамни қизишга кўраман.

«Москва» кинотеатрида

8—10 декабрда — Шўрлик бевалар.

11—14 декабрда — Эслай олмаيمان.

«Дружба» кинотеатрида

8—10 декабрда — Қайғули хроника.

Мен сизни кутаман.

11—14 декабрда — Ўз томонингга йўл.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министиллигининг ТОШКЕНТ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ФУРНИТУРА-ПЛАСТМАССА ЗАВОДИ

дараза рашеткалари, қаравотлар, панжаралар, гаражлар, дарвозалар, ток новдалари ва бошқа хил чирмашиб ўсадиган ўсимлиқни мустаҳкамлашда ишлатилган каркаслар учун БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Завод адреси: Тошкент шаҳри, 70-алоқа бўлими, Леваневский кўчаси, 2-уй. Справқалар учун телефон 55-54-35.

Ўзбекистон ССР Алоқа министиллигининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР РАДИОЭШТИТИРИШ УЗЕЛИ

Тошкент шаҳри аҳолисига қўйидаги нафис маълум қилади:

Квартираларда сими радио тармонидан бутун сутка мобайнида ишлаб турувчи радиоточкалар шикастланмиш оқибатда ишламай қолса, нуқсонларини бартараф этиш учун БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЮРОСИГА мурожаат этишингизни сўраймиз.

Буюртмалар қўйидагича тартибда қабул қилинади: 33-17-10, 33-42-28, 33-80-95 телефонлари бўйича ва қўйидаги адресда: 700017, Тошкент шаҳри, Сулаймонова кўчаси, 31-уй, 9-а» корпус (метронинг «В. И. Ленин номи майдон» станцияси). Иш вақти — соат 9 дан 18.00 гача, якшанбадан ташқари.

Справқалар учун телефон 32-26-32.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСКОМНЕФТОПРОДУКТ АППАРАТИГА

контроль-ревизия бўлими бошлигининг ўринбосари, бухгалтер-ревизор.

Справқалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қўйидаги адресга мурожаат этилин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ТЕМИРИЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИДА


1987 йил 2—11 январь кунлари болалар учун Давлат рус ёш томошабинлар театри артистлари иштирокида

ТЕАТРАЛШТИРИЛГАН ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заявқалар ҳар кун соат 10 дан 18.00 гача қўйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 30-уй, 18-хона.

Ўзбек совға буюмлари

Сопол, металл, ёғоч, суяк, шох... ва бошқа нарсалардан тайёрланган нафис буюмлар эсдалик учун муносиб совға бўла олади.



Бу буюмлар нафис, бежирим ва шарқона услубда ишланган бўлиб, анъанавий нақшнинг гуллар билан безакланган.

Совға буюмларда ўзбек халқ ҳунармандчилигининг энг яхши анъаналари мужассамлашган.

Сопол идишлар, ўйиб гул солинган патнислар, нақшнинг гулли қўзалар, ипан билан тикилган ғилофлар, сўзана, дўппилар ва бошқа буюмлар совға буюмларини йиғувчилар коллекциясидан муносиб ўрин олади. Бундан ташқари серкўеб диёримизни эслатувчи ажойиб эсдалик буюми бўлиб қолади.

Совға буюмларини «Шарқ гули», «Хунар» фирма магазинлари, «Совғалар» ихтисослашган магазинларида сотиб олиш мумкин.



«ЎЗМАСИ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИР. ЛАШМАСИ. (Телефон 76-47-11).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ВИР-ЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/ХII да Самарканд ушшоми (Зебуниссо, премьер), 7/ХII да Аловдиннинг сеҳрли шакирки (12.00), Севги афсонаси (19.30). ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/ХII да Келинлар кўзғолони (19.00), 7/ХII да Ўғрини қароқчи ўрди. МУКМИНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/ХII да Шайтон ва муридлар, 7/ХII да Тохир ва Зухра.

КИНО

6 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТЛИККА КАТНАШГАНЛАР» — Искра (18, 20.00; телефон 39-14-59).
«УЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (18.30, 21.00).
«БУ ПАРИЖДА БЎЛГАН ЭДИ» — Қозғистон (18.00; телефон 35-24-92), Тошкент Советининг 50 йиллиги (18.30, 21.00).
«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ХУЖУКАТЛАРИ — Нукус (18.30, 21.00).
«СОҚОВ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда), Восток (18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).
«ҚУШНИ АЕЛ» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда).
«ШИКОЯТ» — Дружба (жуфт соатларда).
«УЛГАН КИШИНИНГ МАК-ТУБЛАРИ» — Дружба (тоқ соатларда).

7 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КОТЛИККА КАТНАШГАНЛАР» — Искра (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).
«УЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
«БУ ПАРИЖДА БЎЛГАН ЭДИ» — Қозғистон (12, 15, 18.00; телефон 35-24-92), Тошкент Советининг 50 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ХУЖУКАТЛАРИ — Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69).
«СОҚОВ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда), Восток (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 91-14-61).
«ҚУШНИ АЕЛ» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда).
«ШИКОЯТ» — Дружба (жуфт соатларда).
«УЛГАН КИШИНИНГ МАК-ТУБЛАРИ» — Дружба (тоқ соатларда).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ленинград цирки артистларининг гастроллари (6/ХII да 16, 19.00 да, 7/ХII да 12, 15, 18.00 да).

ДИҚҚАТ! 1986 йилнинг 27 декабрда соат 17.00 да

Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ маорифи бўлимига қарашли 90-УРТА МАКТАБ ЮБИЛЕЙНИ НИШОНЛАЙДИ

Мактаб маъмурияти олдинги йиллар битирувчиларини, мактаб тарихига алоқадор бўлган барча ўқитувчиларни тантанали кечага тақдир қилади ва мактаб музейини ташкил қилишга ёрдам беришларини сўрайди.

Мактаб тарихига оид материаллар, фотосуратлар, эсдаликларни қўйидаги адресга юборинг: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор массиви, 90-мактаб.